Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz www. adolat.uz № 11 (816) 2011 йил, 4 март, жума

ҲУНАРМАНДГА ҚЎЛ БЕРГАН ПАРТИЯ

Бугун унинг манфаат-муддаоларини кўриб-кўрмасликка олаяпти. Бу — «ЎзМТДП»нинг ўз стратегик мақсадларидан чекиниши эмасми?

2-бет

ЖУРНАЛИСТИКА РИВОЖИДА ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ

Сиёсий партия нашрлари бошқа тармоқ нашрларидан фарқли равишда ўз сиёсий партияси платформаси ва дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг муайян қатламлари манфаатларини ифода этади, депутатларнинг парламентдаги қонун ижодкорлиги фаолиятини мунтазам таҳлил этиб, фракциялар нуқтаи-назарини ифодалайди.

3-бет

УМРИМИЗНИ СЕВИБ ЯШАЙЛИК

«Буларнинг бари бажарилди», деб тахмин қилинг. Ўзингизга ўзингиз «Чекма!», деб буйруқ беринг ва қайта-қайта «Чекиш аста — секин ўлдиради, у даҳшатли душман!», деб такрорланг. «Тамаки ҳар қандай кўринишда — қотил ва мен бу заҳар билан алоқани бутунлай узаман», деб такрор-такрор айтинг. «Мен чекмайман, мен чекмайман, мен чекмайман!», дея қайтараверинг.

7-бет

## Ахборот-кутубхона

### инновацион технологияларнинг амалиётга кенг жорий этилиши Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсадига тўла мос келади

Парламентда

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилмоқда. Шу мақсадда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ана шу ўзгартиш ва қўшимчалар назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг депутатлари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирокидаги навбатдаги йиғилишида қизғин муҳокама қилинди.

Амалдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси иккинчи қисмида тадбиркорлик фаолиятини текширишни амалга ошираётган мансабдор шахсларга доир талаблар ўз аксини топган. Қонун лойиҳасида ушбу норма қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинмоқда:

«Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширишга киришишига мазкур шахсларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган текширишни ўтказиш режасидан кўчирма ёки ушбу орган томонидан қабул қилинган режадан ташқари ёки муқобил текширишни ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси, шунингдек, назорат қилувчи органнинг текширишни ўтказиш тўғрисидаги, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ҳамда текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғининг кўчирма нусхаси, текширувчи мансабдор шахсларнинг текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси ва шахсий гувоҳномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади».

Ваҳоланки, амалдаги нормага кўра текшириш ўтказишга ваколати бўлган шахслардан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган текширишни ўтказиш режасидан кўчирма, назорат қилувчи органнинг текширувчи мансабдор шахслар таркиби ҳамда текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи нусхаси, текширувчи мансабдор шахсларнинг шахсий гувоҳномалари талаб қилинар эди. Таклиф этилаётган бу ўзгартиш назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишдаги масъулиятини янада оширади. Буни эса тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир кўриниши дейиш мумкин.

Муҳокамаларда сўзга чиққан депутатлар мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Учинчи ўқишга тайёрланиш жараёнларида янада мукаммаллаштирилгани алоҳида таъкидланди ва қонун лойиҳаси маъқулланди.

Шундан сўнг фракция аъзолари «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган устувор вазифаларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда республикамизда ахборот-кутубхона институтларининг умумий сони 11850 тадан ортиқ бўлса, улардан ахборот-кутубхона марказлари 14 тани, ахборот-ресурс марказлари 2761 тани ва давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари 9078 тани ташкил қилади.

Давоми 2-бетда »



## Жонкуяр мураббий, моҳир педагог

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ**
(ЎзА) олган сурат.

Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фидойилик, жонкуярлик билан меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз кўп. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида ўттиз йилдан бери ёшларни илм-фанга ошно этиб, машаққатли ва шарафли касбни улуғлаб келаётган Ҳанифа Бегимқулова ана шундай аёллардан бири.

Ҳанифа опа Термиз давлат университетидаги таҳсилдан сўнг Қумқўрғон туманидаги 2-мактабда ўқувчиларга биология фанидан сабоқ бера бошлади. Чуқур билими, талабчан ва изланувчанлиги билан жамоада ўз ўрнини топди. 2010 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланган.

***Суратда:*** *Ҳанифа Бегимқулова ўқувчилар билан.*

## Масъулият ва ташаббускорлик

### партия фаолиятини янада жонлантиради

Ижроия Қўмита йиғилиши

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ,**
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроия Қўмита аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия фаоллари иштирок этган йиғилишда партия олдида турган бир неча муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги дастлабки масала — «Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи «Мадад» суғурта агентлиги ўртасида имзоланган «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ижтимоий қўллаб-кувватлашни таъминлаш тўғрисидаги Келишув»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги пайтларда партия фаолиятида турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик жадаллашаётганлигини кузатиш мумкин.

Давоми 2-бетда »

## Ўзбекистон — БМТ:

### ўзаро ҳамкорлик босқичлари

Ташқи сиёсат

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Жаҳонда шундай умумбашарий муаммолар борки, уларни фақат турли қитъада жойлашган ва турли сиёсий табиатга эга бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Мазкур давлатларни бирлаштирадиган ташкилот эса айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисобланади. Унинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти беқиёс бўлганлиги боис, дунё миқёсидаги энг муҳим, глобал жараёнлар БМТ иштирокида кечади, мураккаб можаролар эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига мувофиқ бартараф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бизнинг тасаввуримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир».

Мазкур ташкилот дунёда кечаётган ҳар қандай сиёсий жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, минтақавий можароларни бартараф этиш, табиий офатларнинг олдини олиш, камбағалликка қарши курашиш каби кенг қамровли муаммоларни ҳал этиш йўлида фаолият юритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқ нормаларини шакллантириш ва ривожлантиришда БМТнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, охирги 30-40 йилда халқаро ҳуқуқни ривожлантириш соҳасида ўтган даврларга қараганда кўпроқ ва салмоқлироқ ютуқлар қўлга киритилди.

Давоми 3-бетда »

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ахборот-таҳлил марказида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан «Иқтисодий ривожланишда инновацион технологияларни қўллаш самарадорлиги» мавзуида ёшларнинг илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

## Инновация — ёшлар нигоҳида




Анжуман

**Нурбек ҒАЙРАТ ўғли,**
«Adolat» мухбири.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ФЖЎИ) экспертлари, Олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежи талабалари иштирок этган мазкур илмий-амалий анжуман мамлакат келажаги, эл-юрт таянчи ҳисобланган ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш, ўз лойиҳа ва ишланмаларининг амалиётга тадбиқ этилишида ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат эканлиги таъкидланди.

Давоми 4-бетда »

## Нодавлат нотижорат ташкилотлари

### фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида

Суҳбат

Суҳбатдош: **Ҳидоят ЖЎРАЕВА**
«Adolat» мухбири.



Бу йил истиқлолимизга 20 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида давлатчилигимиз тўлалигича шаклланди, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тизими яратилди. Умуман, барча соҳаларда юксак ўзгаришлар юз берди. Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» дея номланган маърузасини мустақилликнинг дастлабки йиллари, яъни 20 йил олдин бошланган жараённи изчил давом эттириш бўйича узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастури дейиш мумкин. Дастурда белгиланган йўналишлардан бири фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ўзгариш ва янгиликлар таклиф этилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Камола ҲАМИДОВА билан суҳбатимиз мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

Давоми 3-бетда »



# Масъулият ва ташаббускорлик

## партия фаолиятини янада жонлантиради

« Давоми. Боши 1-бетда

Бунга биргина «Мадад» суғурта агентлиги билан имзоланган келишув мисол бўла олади. Бундан кўзланган асосий мақсад кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашдир. Ушбу келишувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уни амалга оширишда партия қуйи тузилмалари билан биргаликда агентликнинг жойлардаги филиаллари ҳам фаол иштирок этади. Умуман олганда, шартнома партия ташкилотлари ва суғурта агентлиги бўғинларининг асосий фаолиятига ҳамоҳанг бўлиб, ҳамкорликдаги мажбуриятлар аниқ ишлаб чиқилган.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП соврини учун «Мадад» суғурта агентлиги ҳамкорлиги доирасида «Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя» республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом Ижроқўм аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Айтиш мумкинки, ушбу кўрик-танлов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

«Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя» лойиҳасининг мақсади шундаки, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш ва жойларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, чекка ҳудудлардаги истеъдодли ёшларни кашф этиш, партия ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ва замон талабига жавоб берадиган бизнес ва тадбиркорлик инфратузилмаларини яратиш, суғуртада мавжуд механизмлардан фойдаланиб, ёрдамга муҳтож бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Кўрик-танлов ижтимоий бизнес-ғоя ва лойиҳалар сараланиши асосида амалга оширилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, талабаларнинг ижодиёт уюшмалари ва бошқалар иштирок этишлари мумкин. Вилоят босқичидаги танлов 2011 йилнинг 1 июнь санасигача ташкил этилса, республика босқичи эса 1 сентябрь санасигача ўтказилади. Ғолиблар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида тақдирланадилар.

«Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларида ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия Кенгашлари Иш регламентини қабул қилиш масаласи ҳам Ижроия Қўмита йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари сиёсий институтларнинг, хусусан, сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллашувини ва шу билан бирга, уларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ролини янада оширишни талаб этмоқда. Шу мақсадда партиянинг барча бўғинларини комплекс жиҳатдан ўрганиш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш, партиянинг марказий ҳамда ҳудудий ташкилотлари билан самарали ва тезкор алоқаларни шакллантириш механизмларини яратиш зарурлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда сиёсий партиянинг қуйи ташкилотлари фаоллигини кучайтириш иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари қарорлари, кўрсатмаларининг ижросини таъминлаш, ички партиявий иш фаолиятида ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга долзарб масала сифатида қаралиб, «Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳужжатлари ижроси назоратини ташкиллаштириш ҳақидаги Низом»ни қабул қилиш давр тақозоси бўлиб бораётганлиги алоҳида эътироф этилди. Қуйи ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида турган энг долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланиши таъкидланиб, йиғилишда фаолияти таҳлил қилинган партия ташкилотлари ишидаги хато ва камчиликларни бартараф қилишга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар берилди.

Ижроия Қўмита йиғилишида «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2010 йилдаги бюджетининг ижроси ва 2011 йилга мўлжалланган бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлисда партия ҳаётига доир бошқа бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 2010 йил бюджетининг ижроси ва 2011 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

2010 йил мобайнида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳисоб рақамларига 1515925,0 минг сўм маблағ келиб тушди. Улардан 1338184,0 минг сўми давлат бюджетидан ажратилган маблағлардир.

Партиянинг ўз фаолиятидан олинган тушумлар 177741,0 минг сўм (155623,0 минг сўмни аъзолик бадалларидан, 2 410,0 минг сўми ҳомийлик ёрдамидан ҳосил бўлган)ни ташкил этди.

Партия устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган 1338184,0 минг сўм бюджет маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланди: Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари 1215580,0 минг сўм; Партия матбуот органига ёрдам 46324,0 минг сўм, Партия аъзоларининг ОАВда чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари 16221,0 минг сўм; Партия Сиёсий Кенгаши Пленумлари ва бошқа тадбирларини ўтказиш харажатлари 4696,0 минг сўм, фаолларини ўқитиш ва семинарлар уюштириш 2667,0 минг сўм; Коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатлари 52 697,0 минг сўм; бошқа харажатлар 8 536,0 минг сўм.

2010 йилда партия бюджетдан ташқари маблағларининг 128659,0 минг сўми Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ва ҳудудий партия Кенгашлари жорий харажатлари учун, 4 600,0 минг сўми партия фаолларини ўқитиш ва бошқа харажатлар учун сарфланди.

Партиянинг 2011 йил барча даромадлари 2112314,0 минг сўм миқдорида режалаштирилган. Улар 54452,0 минг сўм – партиянинг бюджетидан ташқари маблағларнинг 2010 йил қолдиғидан, 207129,0 минг сўм – аъзолик бадаллари ва бошқа манбалардан ва 1850733,0 минг сўм – давлат бюджетидан жалб қилинган маблағларидан шаклланган.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг давлат бюджетидан молиялаштириладиган Харажатлар сметасига биноан даромадлар қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

Партия тадбирларини ташкил этиш учун 117356,9 минг сўм; Сиёсий Кенгаш жорий харажатлари учун 784880,0 минг сўм, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларининг жорий харажатлари учун 984496,1 минг сўм.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2010 йил бюджетининг ижроси ва 2011 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2011 йил 25 февралдаги мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланган.

# Ҳунармандга қўл берган партия

## Бугун унинг манфаат-муддаоларини кўриб-кўрмасликка олаяпти. Бу — «ЎзМТДП»нинг ўз стратегик мақсадларидан чекиниши эмасми?

Айтилган сўз — отилган ўқ дейишади. «Миллий тикланиш»чилар сайловлар арафасида афтидан мўлжални пайпаслаб отилган бу «ўқ»нинг, аниқроғи сўзнинг энди жавобини беролмай, қийналишмоқда. Чунки, қулоқ борки, сўзнинг жарангини эшитади. Эмишки, «Миллий тикланиш» партияси миллий қадриятларга асосланган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг, хусусан, косибу ҳунармандларнинг манфаатларини қатъиян ёқлаб чиқармиш, муаммоларни ҳал этишга кўмаклашармиш ва ҳоказолар.

Муносабат

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Таъбир жоиз бўлса, бу стратегик мақсадлар «Миллий тикланиш» газетасининг шу йил 26 январь сонида чоп этилган салкам бир саҳифалик савол-жавоблардан иборат мақолада ҳам алоҳида таъкидланган.

Чунончи, муаллиф ўз интервьюсида «**партиямиз сайловолди платформасидан миллий ишлаб чиқарувчилар, хусусан, ҳунармандлар, касаначилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, миллий бизнеснинг жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш жойлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш, соҳа ривожи учун зарур ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириб бориш, стратегик мақсад сифатида белгиланган. Шу маънода «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олган жорий йил зиммамизга икки карра масъулият юклайди**» деб таърифлаган.

Ният яхши. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки миллий қадриятларнинг давомчилари бўлган ҳунарманд жумласининг ўзиёқ партиянинг сайловолди платформасида жарангдор маънони ифодалайди. Лекин сўз бошқа-ю, иш бошқа экан. Ўз электоратини жарангдор ваъдалар билан ишонтирмоқчи бўлган «миллий тикланиш»чилар бугун косибу ҳунармандлар кўчасига яқинлашганларида икки оёқлари битта этикка тиқилгандек, қандай ёрдам кўрсатишни билмай қолишаяпти. Чунки ваъданинг юки оғирлик қиляпти.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг вакиллари кўпчиликни ташкил этадиган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида партиянинг электорат билан «ҳамкорлиги» хусусида шундай дейиш мумкин.

Туманда 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, давлат рўйхатидан ўтказилган 729 та кичик бизнес субъектларининг 200 таси фаолият юритмаяпти. Ёки туман ҳокимлиги қошидаги комиссия томонидан 1 йилда 71 та кичик бизнес субъекти тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган. Нега? Бунинг сабаблари ва оқибатлари хусусида мулоҳаза юритишнинг, зарур хулосалар чиқаришнинг фурсати етмадимикан? Ахир кичик бизнес корхонаси ўз-ўзидан ёпилиб кетавермайди-ку! Ёки маҳаллий тадбиркорнинг, ишлаб чиқарувчининг ўз мулкини тасарруф этишга бўлган ишонч-иштиёқи дарров сўниб келаётгани нега ҳеч кимни ташвишга солмаяпти?

Туман маҳаллий бюджетининг 2010 йилда тасдиқланган 12 миллиард 716 миллион сўмлик режаси 10 миллиард 572 миллион сўмга ёки 83 фоизга бажарилган. Ёхуд, туман ўтган йили юқори бюджетдан 11 миллиард 447 миллион 545 минг сўм дотация, 17 миллиард 103 миллион 512 минг сўм субвенция ва вилоят бюджетидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича 1 миллард 373 миллион 600 минг сўм маблағ олгани маҳаллий бюджетнинг ночор аҳволга тушиб қолганини кўрсатиб турибди.

Шу боис Юртбошимиз Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг ўтган йилнинг якунида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида бир қатор туманларда, хусусан, Каттақўрғон туманида давлат дотацияси улуши ҳануз юқори даражада қолаётгани ҳақида ташвишланиб гапирган ва раҳбарлик бурчи, масъулиятига алоҳида тўхталган эдилар.

Ҳа, боқимандаликдан қутилолмаётган Каттақўрғонда талаб этилаётган раҳбарлик бурчи, масъулияти ҳокимлик ва бошқарув идораларга таалуқли деб бир ёқлама хулосалар чиқариш ҳам мумкин. Аммо уларни ўз фаолиятлари ҳақида ҳисоб беришга, ҳушёр туришга ундовчи куч — депутатлик гуруҳларининг фаолияти партия ва жамоат назорати, умуман, қонунларнинг амал қилиши устидан назорат тизими самарадорлиги хусусида сўз борганда, масъулиятнинг энг катта қисми айнан шу бўғиндаги кишилар зиммасида эканлигини англаш қийин эмас.

Узоққа бормайлик, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ўз электорати, деб билган «ЎзМТДП»нинг Каттақўрғон туман Кенгаши бу бораdi вазиятни қай даражада назорат қиляпти ва уни яхшилаш чораларини кўряпти?

Очиғи, биз Каттақўрғон туманида бўлганимизда партия фаоллари депутатлар билан учрашиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари, муаммога муносабатларидан хабар топамиз, деб ўйлаган эдик. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Қанча излаганимиз билан «ЎзМТДП»нинг туман Кенгаши қароргоҳи ва унинг раҳбарини тополмадик. Туман ҳокимлиги ташкилий назорат ишлари гуруҳи бош мутахассиси Изатулла Абдурасулов «Миллий тикланиш» партиясининг туман Кенгаши Каттақўрғон шаҳрида (?!) жойлашганлигини ва унинг раҳбари шаҳар маҳалла жамғармасининг раиси Баҳром Аҳмедов эканлигини айтгач, ўша ерга йўл олдик. Бироқ бу ерда ҳам партия саркотибини тополмадик. Эҳтимол халқ таълими бўлимида партия фаоллари билан учрашармиз, деган ниятимиз ҳам амалга ошмай қолди. Халқ таълими бўлимининг ўқув-услубиёт ишлари бўйича масъул ходими Тоҳир Жуманазаров «миллий тикланиш»чиларни бу ерда ҳеч ким билмаслигини, излаш бефойда эканлигини таъкидлади.

Ниҳоят, «ЎзМТДП»нинг Самарқанд вилоят Кенгаши ижроия қўмитасига, шахсан унинг раҳбари Анвар Мирзаевга мурожаат қилганимиздан сўнг, партиянинг Каттақўрғон туман Кенгаши раислигига Баҳром Аҳмедов ўрнига шу йилнинг 1 февралидан янги кадр тайинланганлиги ва у ҳозир ишларнинг аҳволи билан танишаётганлигини маълум қилди. Бу ҳақда кейинроқ тўхталармиз. Ҳозир эса, Каттақўрғондаги партиявий фаолият ва электоратнинг талаб муддаолари ҳақида фикр юритсак.

— Туманнинг Пайшанба шаҳарчасида ҳунарманд оилалар кўп, — дейди қандолатпаз Сунатилла Ҳасанов. — Мен ҳам уларнинг бири сифатида 40 йилдан буён касбимни давом эттириб келяпман. Бошқаларни билмадиму, лекин мен учун бу касб ҳамма ишдан қадрли. Чунки сулоламизнинг тарихи узоққа бориб тақалади. Пайшанбанинг қандолату ҳолваларини нафақат Самарқандда, балки республикамизда ҳам маълуму машҳур қилгунча кўп изланишларга тўғри келган. Лекин бугун ана шу изланишларни шогирдларга сингдириш, уларда касб келажагига ишонч туғдириш қийин бўляпти.

Қандолатпаз Сунатилла аканинг таъкидлашича, Пайшанба бозорида ҳар куни тайёрланган маҳсулотини пешма-пеш сотади. Баъзан талаб ошиб кетган пайтлар ҳам бўлади. Бироқ маҳсулотни кўпайтириш учун кичикроқ бўлса-да, корхона очиш, қўшимча равишда уч-тўрт кишини ишга олиш, янги дастгоҳлар харид қилиш, банкдан кредит ундириш лозим. Очиғи, шундай имкониятларга эга бўлишга кўзи етмаётган қандолатпаз ёлғиз ўзи ишлашга, кундалик муаммоларини бир амаллаб ўзи ҳал этишга мажбур бўлаяпти.

— Маҳаллий ҳунармандларнинг аксарияти мавжуд муаммоларни қайси йўл билан ҳал этиш ёки қандай имтиёзлардан фойдаланишлари мумкинлиги ҳақида зарур тасаввурга эга эмаслар, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси туман бўлими раиси Шуҳрат Раҳматов. — Очиғи, уюшмамиз яқиндагина ташкил топганлиги боис, ўзимиз ҳам соҳадаги ҳуқуқий меъёрларни эндигина ўрганиб олаяпмиз. Лекин шу нарсани биламанки, маҳаллий ҳунарманд давлатимиз томонидан уларга яратиб берилган имтиёзларидан бехабар ҳолда, айрим солиқларни тўлаб келишмоқда. Ҳолбуки, уюшмага аъзо ҳунарманд бир йиллик аъзолик бадалини тўлаш билан бирга, қатъий белгиланган солиқлардан озод этилган. Лекин уларга қонуний ҳуқуқларни вақтида тушунтириб берадиганлар топилмагани бутун ишимизни мураккаблаштирмоқда. Эътибор беринг, туманда 70 та маҳалла борлигини инобатга оладиган бўлсак, уларда энг кам ҳисоблар бўйича 1000 га яқин ҳунарманд оила истиқомат қилаётганлигини кўриш мумкин. Лекин ачинарлиси, ҳозирча ана шу ҳунарманд оилаларнинг атиги 30-40 таси уюшмага аъзо бўлиб киришган холос.

> **Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ёки миллий қадриятларнинг давомчилари бўлган ҳунарманд жумласининг ўзиёқ партиянинг сайловолди платформасида жарангдор маънони ифодалайди. Лекин сўз бошқа-ю, иш бошқа экан. Ўз электоратини жарангдор ваъдалар билан ишонтирмоқчи бўлган «миллий тикланиш»чилар бугун косибу ҳунармандлар кўчасига яқинлашганларида икки оёқлари битта этикка тиқилгандек, қандай ёрдам кўрсатишни билмай қолишаяпти. Чунки ваъданинг юки оғирлик қиляпти.**

Шу ўринда маҳаллий ҳунармандларнинг манфаатларини мана, биз ёқлаймиз, деб кўкракка урган «Миллий тикланиш» партиясидан сўраш пайти келди. Каттақўрғондек аъзим туманда косибу ҳунарманд қурилиш учун ер олиб, ускуна харид қилиб, ўз машғулотини муваффақиятли давом эттиришга қийналаётган бўлса, бунинг устига айрим тақиқларга дуч келиб, давлатимиз томонидан яратиб берилган солиқ имтиёзларидан бехабар тарзда олаётган даромадларидан солиқ тўлашаётган бўлса — «миллий тикланиш»чилар қаёққа қарашаётган экан?

Биз хизмат сафари давомида Каттақўрғон туманидаги жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳам учрашиб, уларнинг «миллий тикланиш»чилар билан мавжуд масалада ҳамкорлигидан хабар топишга уриндик. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раҳбари Талъат Мирзаев ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятлари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш эҳтиёжлари ҳақида гапириб, бу борада «ЎзМТДП»нинг туман Кенгаши билан ҳамкорлик ҳақида ҳеч қандай келишув бўлмаганлигини таъкидлайди. 2010 йилда тумандаги 6 та касб-ҳунар коллежини турли йўналишлар бўйича 1733 нафар ёш мутахассис битириб чиққан. Шулардан эгаллаган мутахассислигига кўра, уч томонлама шартнома бўйича 1158 нафари ишга жойлаштирилган. Қолганларичи? «Камолот»чилар бу муаммони ғоятда долзарб деб билиб уни муваффақиятли ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Мисол учун, ўтган йили туманда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг кўргазмасини уюштириш асносида олти марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу тадбирларда «ЎзЛиДеП» ва «Адолат» СДПнинг туман Кенгаши фаоллари яқиндан ҳамкорлик қилдилар. Лекин «миллий тикланиш»чилар ҳар галгидек, «Камолот»чилар тадбирида кўринишни маъқул топишмади.

Биз Каттақўрғон туманида «Миллий тикланиш» партиясининг расман қанча нафар аъзоси, нечта бошланғич ташкилоти бор-йўқлиги ҳақида маълумотларнинг изидан қувмадик. Шусиз ҳам партиянинг тумандаги нуфузи, мавқеи қай даражада эканлиги аён. Фақат ёлғизгина маълумотни эслатсак. Халқ депутатлари туман Кенгашида «ЎзМТДП»нинг атиги бир нафар депутати — Ҳамза Ҳамроев борлигини ва у ҳам ўзини «Миллий тикланиш» партиясига муносиб эмаслигини айтиш билан савол-жавобларни «насия» қилганлигини таъкидлашни истардик. «Миллий тикланиш» газетасидагиларнинг таъбири билан айтганда, «Битта депутат борлиги факт. Бу факт бугун ҳам, эртага ҳам ўзгармайди. Бир нафар депутат бир ҳафта ичида уч нафар бўлиб қолганида-ку бошқа гап эди».

Хуллас, фактлар ана шунақанги ўжар. Улар «Миллий тикланиш»нинг Каттақўрғон туман Кенгаши фаолияти ночор аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин шундан кейин ҳам анча-мунча сиёсий партиялар хусусан, «Адолат» СДП билан рақобатни ўзига ор деб биладиган, ўзини ҳар қандай рақобатдан ҳоли партия деб ҳисоблайдиган «ЎзМТДП»нинг мафкурачилари соғлом хулоса чиқаришармикан?

«ЎзМТДП»нинг Самарқанд вилоят Кенгаши ижроия қўмитасида Каттақўрғон туманида партиявий фаолиятни жонлантириш юзасидан зарур чоралар кўрилаётгани, энг аввало, Кенгаш раҳбари алмаштирилгани ва у зарур қабулхона ҳамда керакли «оргтехника», яъни компьютер алоқа-ускуналари билан таъминланиши ҳақида фикр билдирилди.

Нима ҳам дердик, рақобатчи партия раҳбарлари мулоҳазаларимизни тўғри қабул қилиб олишган бўлса, айни муддао. Зотан, Каттақўрғон туманида партия электоратининг каттагина қисмини ташкил этадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандлар «ЎзМТДП»дан амалий ишларни сабрсизлик билан кутишмоқда. Уларнинг истак-манфаатларига панжа орасидан қараш эса асло мумкин эмас.

# Журналистика ривожида депутат масъулияти

Семинар-тренинг

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ошкоралигини таъминлаш, медиа-маконга илғор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнга яқин қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, бу борада бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилганлиги ҳам соҳа мутахассислари зиммасига улкан вазифаларни юкламоқда. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар парламент журналистлари ва сиёсий партиялар нашрлари олдида турган вазифалар салмоғини янада оширмоқда.



Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Қонунчилик палатасида аккредитациядан ўтган журналистлар, партия нашрлари мухбирлари, матбуот хизматлари мутахассислари учун ташкил этилган навбатдаги семинар-тренингда ҳам ана шу масалалар атрофида сўз борди.

Таъкидланганидек, анъанавий тарзда ташкил этилаётган семинар-тренинглар самараси ўлароқ бугун партия нашрлари фаолиятида ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда семинарда партия нашрларининг ўтган ойдаги фаолияти қиёсий таҳлил этилиб, ютуқ ва камчиликлар рўй-рост айтилди. Парламент фаолиятини атрофлича ёритишда партиялар матбуот хизматларининг ўрни ва аҳамияти муҳим эканлиги эътироф этилди.

— Сиёсий партия нашрлари бошқа тармоқ нашрларидан фарқли равишда ўз сиёсий партияси платформаси ва дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг муайян қатламлари манфаатларини ифода этади, депутатларнинг парламентдаги қонун ижодкорлиги фаолиятини мунтазам таҳлил этиб, фракциялар нуқтаи-назарини ифодалайди, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Б.Алихонов. — Бугунги кунда партия нашрларида парламент фаолиятини ёритиш ва рақобатчи партия билан баҳс олиб бориш борасида жонланиш кузатилаётгани қувонарли ҳол албатта, лекин, ушбу баҳс-мунозараларда йўл қўйилаётган камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу боис партиялараро рақобат жараёнидаги баҳсларда нафақат журналистлар, балки партия фаоллари ва депутатлар ҳам ўз фаолликларини намойиш этишлари лозим. Шунингдек, депутатлар ОАВ орқали сиёсий баҳс-мунозараларга киришган вазиятларда ўз сиёсий партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларига, электорат манфаатларига таянган ҳолда оппонентлар позициясининг танқидини ўринли, далил ва аниқ фактлар асосида рад этишлари, мазкур чиқишларда сиёсий партиялар имижи ҳамда соғлом сиёсий рақобат тамойилларига мос келадиган ижобий манзарани яратишлари керак. Бундан ташқари, партия нашрларида партия маҳаллий Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг ёритилишини ҳам янада жонлантириш талаб этилади.



Жонли мулоқот ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинарда, айниқса, Тошкент давлат санъат институтининг «Саҳна нутқи ва нотиқлик санъати» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. «Нотиқлик маҳорати ва техникаси», «ОАВ ва оммавий чиқишларда нутқ маҳорати ҳамда аудиовизуал маданият кўникмаларини ривожлантириш» мавзуларидаги маърузалар билан биргаликда амалий машғулотлар ҳам ташкил этилди. Ушбу тренингларда мутахассислар иштирокчиларга адабий тил нормалари асосида нутқ маданиятини ривожлантириш, нотиқлик маҳоратини шакллантириш борасида керакли тавсияларни бердилар.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини жадал ривожлантириш демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти этиб белгиланган бир пайтда журналистик текширув ўтказиш, жамиятдаги мавжуд айрим муаммоларни ўрганиш ва асл моҳиятини очиб бериш орқали уларнинг бартараф этилишига ўз ҳиссасини қўшиш бугун журналистларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир, — деди Ўзбекистон Миллий университети доценти Ёқутхон Маматова. — Парламент назорати ва депутатлик суриштируви жараёнида депутатларимиз ҳам журналистлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, жойларда сайловчилар ва кенг жамоатчилик билан бўладиган учрашувларда аниқланадиган камчиликларни журналистлар орқали ОАВга олиб чиқишса, келгусида бу каби ҳолатлар қайтарилишининг олди олиниши баробарида, бугун миллий журналистикамизнинг бир оз оқсаётган жиҳати — журналистик текширувларнинг жонланишига туртки бўлар эди.

Шунингдек, семинарда ҳозирги ахборотлашган жамиятда сиёсий реклама ва технологиялардан партиялар фаолиятида фойдаланишнинг асосий усуллари, миллий ва хорижий тажриба ҳақида маъруза қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишди.

— Бу галги семинар, айниқса, биз депутатлар фаолиятига тегишли кўплаб мавзулар кўтарилганлиги билан аҳамиятли бўлди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Иномжон Самиев. — Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ишончли вакили сифатида сайланган Олий Мажлис депутатлари, албатта, нотиқлик маҳоратига эга бўлишлари лозим. Анжуманлар, сайловчилар билан учрашув ва мулоқотлар, телевидения ва радио орқали чиқишларда бунга катта эҳтиёж сезилади. Семинар-тренинг давомида нутқ маданияти ва нотиқлик санъати ҳақидаги маърузалар ҳамда амалий машғулотлардан олган билим, кўникмаларимиз келгусидаги фаолиятимизда ўз самарасини кўрсатишига ишончим комил.

Дарҳақиқат, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида журналистлар ва депутатлар учун ташкил этилаётган тадбир ва семинар-тренинглар, тарқатилган таҳлилий қўлланмалар фаолиятдаги айрим хато ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Тадбир сўнггида кўрилган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Ахборот-кутубхона

## инновацион технологияларнинг амалиётга кенг жорий этилиши Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсадига тўла мос келади

« Давоми. Боши 1-бетда

— Мазкур қонун лойиҳасида ахборот-кутубхона институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фондини тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш шартлари белгиланиши назарда тутилмоқда, — деди ушбу масала юзасидан маъруза қилган қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ҳапизахон Каримова. — Шунингдек, ахборот-кутубхона институтлари ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса, айрим тоифадаги фойдаланувчилар, хусусан, имконияти чекланган фуқароларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишининг алоҳида шартлари ҳам белгиланмоқда.

Шунингдек, нотиқ ўз сўзида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда тайёрланиш жараёнида 30 дан ортиқ субъектлардан таклифлар келиб тушганлиги, бу таклифларнинг 100 дан ортиғи қонун лойиҳасида ўз аксини топганлиги, фракция аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар ҳам инобатга олинганлигини алоҳида таъкидлади.

— «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши республика ахборот-кутубхона тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади, — деди фракция аъзоси Мавлуда Нишонова. — Шунингдек, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш, кутубхона фондлари асосида ахборот- ресурсларини шакллантириш орқали ахборот, маданий-маърифий жараёнларни ривожлантириш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантиради. Қолаверса, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсади — инновацион технологияларнинг амалиётга кенг жорий этилишида ҳам хизмат қилади. Бу эса партиямиз фаолият дастурига ҳам тўла мос келади.

Шунингдек, «Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан қуйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Ориф Шариповнинг маърузаси тингланди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

— Қарорнинг 7-бандига мувофиқ Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» ДИ) номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат» ДИ) номига ўзгартирилган, — деди маърузачи. — Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тугатилди.

Таъкидландики, шу боис мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг баъзи моддаларига, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Радиацион хавфсизлик тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунларга ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали амалдаги айрим қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлаштириш таклиф қилинмоқда.

Муҳокамалар асносида депутатлар томонидан партия электорати манфаатлари инобатга олиниб, муҳокама этилган қонун лойиҳаларининг янада такомиллашувига хизмат қилувчи фикр ва тавсиялар берилди. Фракцияда муҳокама этилган барча қонун лойиҳалари муҳим эканлиги эътиборга олиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

Кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

# Нодавлат нотижорат ташкилотлари

## фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида

« Давоми. Боши 1-бетда

**— Авваламбор, мамлакатимизда жамоат бирлашмалари фаолияти ташкил этилишининг ҳуқуқий мезонлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Жамоат бирлашмаларининг бугунги кўлами ва фаолиятининг тобора кенгайиб бораётгани унинг ҳуқуқий базаси нечоғли мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу маънода, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг дастлабки босқичиданоқ уларнинг ҳуқуқий пойдевори пишиқ пухта бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Мустақиллигимизнинг илк йилида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганди. Таъбир жоиз бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг тамал тоши ана шу қонун асосида қўйилган десак, хато бўлмайди. Конституциямизнинг ҳам ўн учинчи боби тўлалигича жамоат бирлашмалари деб номланди. Демак, бош қомусимизда жамоат бирлашмаларининг акс этганлиги улар фаолиятининг янада мустаҳкамланишига асос бўлди. Шунингдек, Бош Қомусимизнинг бошқа бобларида ҳам жамоат бирлашмаларига тааллуқли нормалар бўлиб, бу жамоат бирлашмалари фаолиятига конституциявий мақом берилганлигидан далолат беради. Ушбу йўналиш ижтимоий сиёсий жараёнда алоҳида йўналишлардан бири эканлиги ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда ҳам. Биласиз, 90-йилларга қадар бу йўналиш жамоат бирлашмалари деб аталиб келинди. Кейинчалик унга учинчи сектор деб қараш бошланди. Яъни давлат ва иқтисодий сектордан кейин нодавлат сектор сифатида ўрин эгаллади. Тўқсонинчи йиллардан кейин қонунчилик амалиётида нодавлат нотижорат ташкилотлар деб номланиб, қатор қонунлар қабул қилинди.

**— Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кўриб турибмиз. Бу даражага етиш учун улар босиб ўтган йўлга бир назар ташласак...**

— Айтганингиздек, етарлича ҳуқуқий базага эга нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кундан-кунга, йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролар ҳаётида қанчалик муҳим ўрин эгаллаётганлигидан дарак беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий ҳуқуқий шакли ҳам ранг-баранг бўлиб, улар қаторига маҳаллаларни киритиш мумкин. Фуқаролик жамиятининг ноёб институти сифатида мамлакатимизда бугунги кунда ўн мингдан зиёд маҳаллалар фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг турли қатламларига тегишли турли нодавлат нотижорат ташкилотлар фақат фуқаролар ҳаётида муҳим ўрин эгаллабгина қолмай, балки жамиятдаги жараёнларнинг фаол иштирокчисига ҳам айланмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини келтириш мумкин. Ушбу ташкилотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамловчи «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999 йил), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (2007 йил), «Жамоат фондлари тўғрисида» (2003 йил) каби қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

**— Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари кирган Парламент комиссияси ташкил топди. Мазкур фонд ва комиссия фаолияти тўғрисида сўзлаб берсангиз.**

— Ўтган йил миллий парламентимиз ҳаётида залворли бир давр бўлиб муҳрланди. Сабаби, 2010 йилда давлатимиз раҳбари икки маротаба Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида дастурий маъруза билан иштирок этиб, парламент фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган Концепциянинг бешинчи йўналишида фуқаролик жамияти институтларининг бугунги кундаги мавжуд ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталиб, ушбу йўналишда икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Юрт тараққий этиб борар экан, у билан ҳамоҳанг равишда турли ташкилотлар фаолияти ҳам, қонун ижодкорлиги ҳам тобора юксалиб, ривожланиб бораверади. Янги ижтимоий иқтисодий муносабатлар, замонавий усул ва услублар юзага келади. Муносабатлар такомиллашиб янги босқичга кўтарилади. Шу нуқтаи назардан давлат билан нодавлат ташкилотлари муносабатларида ҳам янгича талаблар, янгича қарашлар керак бўлади. Уларнинг бу муносабатини инсон ҳаётининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг уйғунлашувида кўриш мумкин. Яъни, давлат фуқароларнинг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи нодавлат ташкилотлари фаолиятига нафақат кенгроқ имконият яратиш, балки турли даражада ҳамкорлик лозим деган ғоянинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкам ишлаб чиқилиши зарур.

Бу амалиёт мамлакатимизда маълум йўналишларга эга. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ташкил этилган. Мазкур фонднинг маблағлари давлат бюджетидан ажратилади. Халқ вакиллари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идораларининг экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакилларидан иборат махсус тузилган Парламент комиссияси «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган, энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлайди. Мамлакатимизда парламентнинг роли кучайиб бораётганлиги, унинг чинакам демократик институт сифатида фаолият юритаётгани халқ вакиллигини ифода этувчи институт эканлигидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларига кўрсатиладиган давлат кўмагини юқорида қайд этилган комиссия тақсимлаши ўринли деб топилди. Шу асосда Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма қарори қабул қилинди.

Жамоат фондига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Масалан, 2010 йилда фондга нодавлат нотижорат ташкилотларидан 500 дан ортиқ ариза келиб тушган. Ана шу мурожаатлар танлов асосида кўриб чиқилиб, уларнинг 124 таси қўллаб-қувватланди. Бу маблағ «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга биноан уч йўналишда, яъни субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар шаклида ажратилади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш ғоясини илгари суради. Янги йўналиш сифатида 2009 йилда дастурда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид ислоҳотлар муҳим йўналиш сифатида акс этди. Партия ўзининг ижтимоий ҳамкорлари — касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига таянган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўёбга чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш режасини ўз дастурига киритган. Шу нуқтаи назардан «Адолат» СДП касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмаларини ўз ижтимоий ҳамкорлари сифатида билади. Биз ҳам ўз Сайловолди дастуримизга таяниб, ижтимоий ҳамкорликка алоҳида аҳамият қаратаяпмиз.

Зеро, Жамоат фонди ижтимоий шерикликнинг, яъни давлат билан нодавлат ташкилотлари муносабатининг ҳаётий бир мисолидир. Юртбошимиз мамлакатимиз олдида фуқаролик жамияти қуриш мақсади қўйилганлигидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти эса ўзининг муҳим таркибий тузилмаларисиз вужудга кела олмаслигини инобатга олган ҳолда учинчи сектор билан муносабатларни янги босқичга кўтариш лозимлигига алоҳида урғу бериб келмоқда.

Нодавлат сектор ўзига хос тизим, у аҳолининг тегишли қатламлари орзу-истакларини рўёбга чиқаришда фуқаро билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Жамиятда рўй бераётган воқеликларни, фуқароларнинг хоҳиш-истаклари, мақсад ва интилишларидан хабардор этишда ўта муҳим ўрин тутади. Шу боис, ўз йўналиши, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жамоат ташкилотлари аҳоли орасига янада кенгроқ ва чуқурроқ кириб бораверади. Зотан, мазкур институтлар бугунги кунда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкам эгаллаб бораётир.

# «Оҳалик олтин боғлари»

## қишлоқ тараққиётини кўзлаб янги ғояларни қўллаб-қувватлайдиган саноатчи-фермерларнинг изланишлари маҳсулидир

**Инновацион технологиялар — ишлаб чиқаришга!**

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш «Адолат» социал-демократик партиясининг Ҳаракат дастуридан ўрин эгаллаган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Партия жойлардаги ўз фаолларига, депутатлик гуруҳларига ва амалдаги қонунларга таянган ҳолда айни шу йўналишда изчил сиёсат олиб бормоқда.



Самарқанд туманида инновацион технологияларга асосланиб барпо этилган «Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳаётбахш сиёсатнинг амалий ифодасидир. Гап шундаки, азалдан боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган мазкур туманда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳани ривожлантириш, юқори ҳосилдорлик ва даромад келтирувчи илмий изланмаларни, интенсив усулларни қўллашга кун тартибидаги ғоят муҳим масала сифатида қаралмоқда. Чунки аҳоли гавжум, экин майдонлари эса чекланган мазкур ҳудудда худди шундай илмий ёндашувгина фаровонликка элтувчи мақсадларни тўла-тўкис оқлаши мумкин.

— Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг аъзоси бўлганлигим учун улар томонидан ташкил этилаётган тадбирларда тез-тез иштирок этаман, — дейди «Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Салимов. — Янгиликнинг моҳиятини илғаб олишимизда, уни амалиётга кўчиришда партиянинг йўл-йўриқлари катта аҳамият касб этди. Оҳалик тоғлари этагидаги паст-баланд, ташландиқ ерларни текислаб, мевали дарахт кўчатларини ўтказиш учун катта куч ва харажат талаб этиларди. Самарқанддаги «Шарқ саноат» концерни бу борада бизни астойдил қўллаб-қувватлади. Улар киритган ички сармоя ҳисобига Украинадан қиймати 1 миллион 370 минг АҚШ долларига тенг бўлган боғларни томчилатиб суғориш технологиясини ҳарид қилдик. Натижада, 527 гектар майдонда шу технологияни қўллаб мутлақо янги шаклдаги боғ барпо этдик.

Фермер хўжалигида шафтоли, олма, гилос ва ток кўчатларининг серҳосил навлари шундай танлаб экилганки, улар бозор эҳтиёжларини ҳамда мевани қайта ишлаш корхонасининг талабини тўла қондира олади. Мисол учун, хўжаликдаги олма дарахти шохлари худди токзордагидек синбағизларга бир томонлама тараб боғланиб чиқилган. Чунки шу усулда парваришланган дарахт бир-бирига соя солмайди, ҳосили қуёш нуридан кўпроқ баҳраманд бўлиб, тезроқ етилади ва шамолда тўкилиб кетмайди. Махсус узатгич қурилмалардан дарахт остига томчилаб тушаётган сув энг чуқур илдизларига ҳам етиб боради.





Шу тариқа ҳар битта ҳаракат ва харажат режалаштирилган ҳосилни етиштиришга аниқ йўналтирилади. Томчилатиб суғориш сув сарфини бир неча ўн баробар қисқартириши дашт шароитида бағоят асқотиши ва фермерни сувга сарфлаши мумкин бўлган миллионлаб қўшимча харажатдан халос этишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Айни чоғда бу сингари сифатли ҳосил етиштириш тажрибада аллақачон ўз исботини топган. Шундай шароитда пухта ҳисоб-китоб асосида меҳнат қилган боғбон одатдагидан 5-6 баробар кўп фойда кўради.

Фермер хўжалигида 50 киши доимий иш билан банд. Улар учун зарур техникалар етарли. Боғ этагидаги замонавий машина-насос станциясига, ундан сўнг резина узатгичларга сув етказиб берадиган улкан ҳовуз бунёд этилган. Узлуксиз электр таъминоти йўлга қўйилган. Ҳар битта юмуш ўз мутахассисига юклатилган. Бу эса янги технологиянинг самарадорлиги учун ўзига хос кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Томчилаб суғориш усули ҳар мавсумда ўртача 50-60 минг тонна ҳосил етиштириб, фермер ҳамкори — «Шарқ саноат» концернининг маҳсулотни қайта ишлашга бўлган талабини бемалол қондириши мумкин. Мевани қайта ишлаб, қадоқлаб сотишдан улар ҳам катта наф кўришади. Экспорт имкониятларини кенгайтириб олишади. Қарабсизки, фермер олдиндан буюртма асосида ўз ишини режалаштирувчи тадбиркорга, саноатчининг яқин шеригига айланади.

— Ҳозир «Оҳалик олтин боғлари»дан тажриба ўрганиш мақсадида узоқ-яқин қишлоқлардан кўплаб фермер, мутахассислар ташриф буюришмоқда, — дейди янги ишнинг моҳияти ҳақида «Адолат» СДПнинг Самарқанд туман Кенгаши раиси Зуҳра Қуддусова. — Биз эса уларга бу каби инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий базаси туманда пухта ишлаб чиқилганини, ҳокимлик ва бошқарув идораларининг эътиборида, партиявий назорат фаолиятининг диққат марказида турганлигини тушунтирамиз. Ҳудди шундай изланувчанлик муҳитини барпо этиш ва манфаатдорлик билан қўллаб-қувватланишида партиявий ваколатлардан ҳеч иккиланмай фойдаланишни маслаҳат берамиз. Зотан, дастурий ғояларимиз қанчалик кенг доирада ўз ижросини топса сиёсий тарафдорларимиз, ҳайрихоҳларимиз шу қадар кўпаяди.

Самарқанд туманида ислоҳотлар тақдирига барча — ишлаб чиқарувчидан тортиб, ҳокимлик, бошқарув идоралари, банк, молия муассасалари ва албатта, сиёсий партиялар ўзларини масъул деб билмоқдалар. Хусусан, «Адолат» СДП туман Кенгаши инновацион технологияларнинг тарғиботи билан жиддий шуғулланаётганлиги эътиборга лойиқдир. Демак, «Оҳалик олтин боғлари» чинакам маъмурчилик ва фаровонлик манбаи сифатида яна кўплаб фермерларнинг ишончини оқлаши шубҳасиз.

**Суратларда:** *«Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги фаолиятидан лавҳалар акс эттирилган.*



# Ўзбекистон — БМТ:

## ўзаро ҳамкорлик босқичлари

« Давоми. Боши 1-бетда

Эндиликда ҳуқуқнинг янги тармоқлари, хусусан, коинотни ўзлаштириш ва замонавий ахборот коммуникациялари, экология ва бошқа талай соҳаларда ҳуқуқий меъёрлар тизими пайдо бўлди. Бундан ташқари, дипломатик, консуллик, денгиз ҳуқуқлари, шартномалар ҳуқуқи, халқаро оммавий, хусусий ва иқтисодий ҳуқуқни кодификациялаш борасида катта ишлар амалга оширилди, турли тармоқларда, масалан, қитъа шельфида тўлиқ иқтисодий зона режимини тартибга соладиган янги меъёрлар яратилди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишда ва халқаро баҳсларни ҳал қилишда кучдан фойдаланиш амалиётини тақиқловчи ҳуқуқий меъёрларнинг яратилиши бу борадаги эришилган энг муҳим ютуқлар сирасига киради. Айниқса, халқаро ҳуқуқда давлатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қуролли можароларнинг олдини олишга қаратилган (масалан, қуролланиш пойгасини чеклаш орқали ва бошқалар) қатор нормаларнинг яратилгани диққатга сазовордир.

Ҳозирги вақтда БМТнинг иштирокисиз дунё миқёсида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, шунингдек, минтақалараро, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларни ривожлантирмай дунёнинг барқарор тарақққиётини тасаввур этиш мумкин эмас. Шу маънода, жаҳон халқлари манфаатлари, барча мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётини кўзлаб фаолият юритаётган мазкур ташкилотнинг обрў-эътибори ва нуфузи ортиб бориши шубҳасиздир.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган (1992 йил 2 март) кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида бу ташкилот Ўзбекистон учун чин маънодаги халқаро минбарга айланди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишларида бир неча бор гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига биргаликда қарши курашиш борасида ташаббуслар билан чиқди. Президентимизнинг шу минбар орқали минтақамиздаги бир қатор муаммолар, жумладан, Афғонистондаги нотинч вазият ва унинг дунё барқарорлигига салбий таъсири ҳақидаги фикрлари жаҳон афкор-оммаси эътиборини қаратди. Ўзбекистоннинг оламшумул аҳамиятли ташаббуслари кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан нақадар асосли эканлиги бир неча бора эътироф этилди.

Ўтган йиллар давомида БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли алоқалар тадрижий равишда, изчиллик билан ривожланиб келаётганини кузатишимиз мумкин. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар, жумладан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан бўлаётган таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишлардир.

2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов БМТ Бош қароргоҳи — Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиб, нутқ сўзлади. Ушбу кенг қамровли нутқ дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, экспертлари ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари томонидан жуда юксак баҳоланди. Чунки ундаги фикр ва илгари сурилган ғоялар глобал ва минтақавий миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечимлари билан боғлиқдир.

Юртбошимиз мазкур чиқишида Афғонистон масаласига яна бир карра алоҳида тўхталиб ўтди. Сабаби, Афғонистон бугунги кунда инсониятнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммоси бўлиб, 30 йилдан буён ушбу заминда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар кутилган натижани бергани йўқ. Бу эса афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини янада яққолроқ кўрсатмоқда. Шу ҳақда сўз юритган давлатимиз раҳбари ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ўта муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, халқаро ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги модели — “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифини билдирди. Афғонистонга қўшни олти мамлакат, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТОдан таркиб топадиган мазкур мулоқот гуруҳи афғон муаммосини бартараф этиш йўлларини топиш бўйича умумий принцип ва ёндашувларни муҳокама қилиш, Афғонистонда тинчлик ва тотувликка эришиш бўйича умумий англашув ва манфаатдорликни ишлаб чиқиш учун энг муҳим механизмга, самарадор музокара майдонига айланиши мумкин.

Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган яна бир муҳим масала — бу Орол муаммосидир. Зеро, бугун дунёда экологик вазият тобора мураккаблашиб бораётган бир шароитда ушбу масалага бефарқ қараб бўлмайди. Чунки Орол фожиасининг оқибатлари нафақат бир мамлакат ёки минтақага, балки бутун дунёга салбий таъсир кўрсатади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, қуриб бораётган Орол муаммоси — ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ўн тўққиз йил мобайнида мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди. Давлатимизнинг БМТ доирасида глобал масалаларда кўтариб чиққан муҳим таклиф ва ташаббуслари дунё миқёсида бир қатор прогрессив саъй-ҳаракатларнинг бошланишига замин тайёрлаш билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

# Илғор ютуқлар — кичик бизнесга

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида» мавзуида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёш илмий тадқиқотчилар иштирок этишди.

**Илмий-амалий конференция**

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Конференцияда таъкидланганидек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш масаласи асосий устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Шу жиҳатдан, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг инновацион фаоллигини ошириш, илғор илм-фан ютуқларини мазкур соҳага жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, Президентимиз бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, «Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга...»

Конференциянинг асосий мақсади ҳам ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишни рағбатлантириш, шунингдек, ёш олимлар томонидан ишлаб чиқилган муҳим илмий натижалар ва илмий ҳажмдор маҳсулотларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик амалиётига жорий қилишнинг имконият ва захираларини баҳолашга қаратилди.

Конференцияда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров ўз маърузасида партия дастурида инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, иқтисодиётга энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларини кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаши муҳим вазифа этиб белгиланганини хусусида сўз юритиб, бу борада партиянинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни амалиётда қўллаш борасида жойларда олиб борилаётган амалий ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Конференцияда илм-фаннинг турли соҳаларида илмий изланиш олиб бораётган ёш олимлар ўзларининг инновацион лойиҳа ва ишланмалари, уларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жорий этишдаги самарадорлиги ҳақида маъруза қилдилар.

— Мужассамлашган қуёш энергияси ёрдамида электр энергияси, иссиқлик энергияси ва водород ишлаб чиқарувчи қурилма яратганман, — деди «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Жобир Аҳадов. — Ушбу ишланмани Республика Фанлар академияси томонидан берилган Давлат илмий-техник дастури илмий гранти ва 2 та фундаментал илмий лойиҳалар гранти асосида яратдик. Қурилмани инновацион лойиҳа сифатида такомиллаштириб автоном қуёш қурилмалари орқали хонадонлар, фермер хўжаликлари, кичик корхоналарни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашни мақсад қилганмиз. У анъанавий қуёш қурилмаларидан фарқ қиладиган янги ишланма ҳисобланиб, маҳаллий хомашёдан тайёрланиши, бир неча баробар арзонлиги, Республикамизнинг барча табиий иқлим шароитларида ишлаш имкониятига эгалиги, қуёшли кунлардан ташқари булутли кунлар ҳамда тунги вақтларда ҳам махсус аккумуляторлар орқали энергия бера олиши билан афзалдир.

Конференция сўнггида яратилаётган илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига татбиқ этиш, ушбу фаолиятга ёш олимларни янада кенг жалб қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан керакли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



# Инновация — ёшлар нигоҳида

« Давоми. Боши 1-бетда

Шунингдек, анжуманда иштирок этган бир қатор талаба ёшларнинг «Миллий иқтисодиётни моделлаштириш шароитида саноат корхоналарида инновацион стратегияни шакллантириш», «Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни етиштиришда янги услублар», «Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган янги инвестицион муҳитнинг иқтисодий самарадорлиги», «Ўзбекистон Республикасида инновацион жараёнларни қўллаш», «Инновациянинг илмий моҳияти» каби турли хил мавзулардаги инновацион лойиҳа ва ишланмалари тингланди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятида ёшларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб, улар кўтариб чиқаётган ғоялар, фикрлар билан доимий равишда ўртоқлашиб келмоқда, — деди ФЖЎИ Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази директори Б.Мамадиев. — Ёшлар камолоти йўлида амалга оширилган ҳар қандай саъй-ҳаракат Ватан истиқболини белгилаб беради. Шу боис келгусида порлоқ келажак қурмоқни истаган ҳар бир давлат ва жамият ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Шу нуқтаи назардан, юртимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Энергиянинг арзон, тежамкор ишлаб чиқариш харажатлар ва маҳсулот таннархини камайтиришга хизмат қиладиган қайта тикланадиган ноанъанавий, муқобил манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, татбиқ этиш масалаларига ҳам партиянинг устувор аҳамият қаратаётгани, бу жараёнга эртанги кун эгалари — ёшларни жалб этишга уринаётгани, айниқса, аҳамиятлидир. Таъкидлаш керакки, энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш имкони туғилади.

— Бугун тадбиркорлик соҳасида бир қатор тенгдошларимнинг лойиҳа ва ишланмаларини тинглаб, инновация ҳақидаги билимимни янада мустаҳкамладим. Бундай амалий тадбирларнинг тез-тез ташкил этилиши бизларни ижодкорроқ бўлишга ундайди деди, — Тошкент Молия институти талабаси Элёр Саломов.

Қизғин мунозаралар асосида ўтган анжуман ниҳоясида бир қатор иқтидорли ёшларга Тошкент шаҳар партия Кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.


АЗИЗ АЁЛЛАР!
БАҲОРНИНГ ИЛК БАЙРАМИ —
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КУНИ
БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!
ШУ СЎЛИМ ВА ФАЙЗЛИ КУНЛАРДА СИЗЛАРГА БИР ОЛАМ
ҚУВОНЧ, БАХТ САОДАТ ВА
ОИЛАВИЙ ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙМИЗ.
Эҳтиром билан «Шўртаннефтгаз»
унитар шўъба корхонаси жамоаси
8 Март








# «ЗАРАФШОН САВДОИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*бутун Ўзбекистон аёлларини энг файзли байрамлардан бири — Хотин-қизларнинг халқаро куни билан қизгин табриклайди ҳамда барча-барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва оилавий бахт-саодат тилайди.*



## Халқ банки Нурота туман филиали жамоаси



*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан самимий муборакбод этади!*
*Муҳтарама онахонлар, опа-сингиллар, Сизларга бахт-саодат, оилавий шукуҳ ва фарзандлар саодати доимо йўлдош бўлсин!*





MIKROKREDITBANK

## «Микрокредитбанк» Кармана тумани филиали жамоаси



***Мамлакатимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан қизгин табриклайди.***

***Сизлар билан ҳамиша олам чароғон бўлсин!***



## «Олмалиқ гўшт-сут савдо» МЧЖ жамоаси



*Азиз опа-сингилларимизни, муҳтарама онахонларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан қизғин табриклайди. Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!*




# Умримизни севиб яшайлик

Мулоҳаза, мушоҳада

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

### ЧЕКИШ ОИЛАМИЗГА БЕГОНА БЎЛСИН!

«Кўпчилик каби менда ҳам турмуш қуриш арафасида «бўлажак турмуш ўртоғим аслида қандай инсон экан, қандай оила барпо этар эканмиз», деган хавотирлар бутун фикру хаёлимни эгаллаб олган эди. Лекин у киши нақ мен орзу қилган шаҳзоданинг ўзгинаси экан.. Ҳалол, ростгўй, ҳаракатчан, тартибли. Хуллас, кундан-кунга янги фазилатларини кашф этар ва бундан хурсанд бўлар эдим. Фақатгина ўзларига умуман ёпишмаган, ярашмаган одатлари бор эдики, кунига ақалли бир қути сигарет чекмасалар бўлмасди. Эътирозларимни тинглаб бегим (шундай деб чақирардим) кулдилар-да, қўлларидаги қимматбаҳо матоҳнинг зарари камлиги, аслида ана шу туфайли кучларига куч, ютуқларига ютуқ қўшилаётганлиги ва мен бундан асло ваҳима қилмаслигимни билдирдилар. Шифокорларнинг фарзанди бўлганлигим учун бу сўзлар барибир менга тинчлик бермасди. Бегимнинг шунчалик ҳаракатчан, ўз мақсадлари сари интилиб яшашларини кузатар эканман, чекишдан орттириладиган муаммо туфайли қўлим ошга етди деганда, унга эришолмай қолиши мумкинлигидан куйинардим. Бу ҳали ҳолваси экан.

Ҳомиладорлигимнинг илк ойларида кўзимда қаттиқ оғриқ бошланди. Бундан тун бўйи ухлолмай азият чекиб, қовоғим худди ёниб кетадигандек бўлар, унга муздек нарса босгим келарди. Ҳатто кечга яқин кўриш қобилиятимнинг пасайганини ҳам сеза бошладим. Ҳомилам ҳам кўп питирлаб, тошдек қотиб, дўмпайиб қоларди. Хўжайиним қўрқиб кетганидан мени дарҳол шифокорга олиб борди. Текширувдан сўнг бир нечта саволлар берган шифокор жавобларимдан муаммони келтириб чиқарувчи асосий сабабни тополмади шекилли, сўнгги саволи шу бўлди: «Турмуш ўртоғингиз чекадими?». Тасдиғимдан сўнг мендаги нохушликлар эримнинг кашандалиги оқибатида яшаш муҳитимизнинг зарарланиши натижасиданлигини айтди. Агар вақтида олди олинмаса, мен, айниқса, ҳомиламга жиддий таъсир қилишини уқтирди. ...Шу-шу хўжайиним чекишни бутунлай ташлаб, оиламизда чинакам соғлом турмуш тарзига эришдик. Тез орада мен ҳам нохушликлардан халос бўлдим. Ҳозир ўзимни ва оиламни тўла-тўкис бахтли, деб айта оламан».

Бу соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қиладиган ва айни кунда энг ибратли оилалардан бирининг бекаси, ўғил-қизларининг севимли онажониси бўлмиш яқин бир дугонамнинг ҳикояси эди.

### НОЗИКЛИК ДАВРИ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

— Ҳомиладор аёл учун мустаҳкам соғлик, витаминларга бой маҳсулотлар истеъмол қилиш, яхши муомала ва у яшаётган муҳитнинг мусаффолиги сув ва ҳаводек зарур, — дейди олий тоифали акушер-гинеколог Мақсуда Собирова. — Бунга ўз ҳиссасини қўшган инсон борки, дунёга соғлом фарзандлар келишига кўмаклашган бўлади. Чунки, ҳомила она қорнидалигидаёқ ҳимояга, эътиборга муҳтож. Шундай экан, онага кўрсатилган меҳр онаси қорнидаги миттигина вужудга нисбатан ҳам дахлдор, десак хато эмас. Бунга эркаклар амал қилсалар ўзларига ҳам фойда бўлур эди. Сабаби, кашанда эркак ўзидан кўра атрофдагиларни, айниқса, оиламизнинг нозик аъзолари — ҳомиладор аёллар ва ёш болаларнинг кўпроқ заҳарланишига сабабчи бўлади. Зеро, тамаки тутуни таркибида 7 мингдан ортиқ компонентлар бўлиб, улардан аксарияти фармакологик жиҳатдан жуда фаол, зарарли, мутаген ва канцероген моддалар ҳисобланади. Айниқса, жуда зарарли алколоид ҳисобланувчи никотин моддаси ҳомиладор аёлларга жуда тез таъсир кўрсатиб, дастлаб унинг асаб тизимини таранглаштиради, қон-томир деворларининг ўтказувчанлиги бузилиши туфайли моддалар алмашинуви бузилади. Натижада, турли хил асоратларга олиб келади. Кўз босими ошиб, қорачиқлари хиралашиб, натижада кўр бўлиб қолишгача олиб боради, эслаш қобилияти сусаяди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас: бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши юз беради. Нафас олиш қийинлашиб, пульс секин уради ёки аксинча, тезлашади. Нафас қисиш касалликларига чалиниш ҳам сигарет тутуни оқибатидир.

Сўзимнинг бошиданоқ фарзанд кутаётган аёлни нозиклик даври эгаси, деб таъриф берганим бежиз эмас. Ўйлаб кўринг, бир инсоннинг вужудида иккинчи инсон пайдо бўлаяпти, бу дегани унга икки карра витамин, икки карра кислород ва яна шунча озиқ-овқат керак, дегани. Заҳарли тутун эса ҳомилага етарли даражада кислород таъминотини бўғади, натижада меъёридан кўп безовта бўлаверади, яъни типирчилай бошлайди. Кўпчилик оналар буни нотўғри тушунишиб, «Болам тўполончи бўлади», деб ўзларини хурсанд қилиб юришади. Агар аёлнинг ўзи чекувчи бўлса, ундан дунёга келган болаларнинг кўпчилигида чекишга иштиёқ юқори бўлади, ҳатто ногирон зурриёдлар туғилиши ҳам мумкин...

### ЮРАГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

*Олий тоифали кардиолог Равшан Халилов мулоҳазаси:*

— Статистика маълумотларига кўра, инфаркт миокардидан нобуд бўлиш ҳоли чекувчилар орасида чекмайдиганларга нисбатан 5 баравар кўпроқ экан, мияга қон қуйилиши эса 3-4 баравар ортиқ. Тамаки таркибидаги никотин ва заҳарли моддалар юрак-қон томирларининг қисқаришига сабаб бўлиб, асосан, юрак ва марказий асаб тизимига салбий таъсир қилади. Бундан артериал қон босимининг кўтарилиши келиб чиқади. Юрак иши фаолиятига оғир таъсир этиб, уни толиқтириб ишлашига, пульс уриши ўзгаришига олиб келади. Масалан, чекмаган одам 100 метр масофани босиб келганида пульс уриши 120-130 тагача уради. Чекувчида эса 150-160 тагача етади. Тинч ҳолатда юрак бир дақиқада 70 марта қисқаради, бу бир кеча-кундузда 7200 литр қон айланиши демакдир. Кашандада эса юрак қисқариши



15-20 фоиз кам, яъни бир кеча-кундузлик қон айланиши 1000-1400 литр атрофида бўлади. Кашанда организмида моддалар алмашинуви ўзгариб, витамин Е ва аскорбин кислотаси тушиб кетади, бўғинларда оғриқ пайдо бўлиб, бадан совиб намлик кўпаяди. Юрагимиз ўз вазифасини қийналмай бажариши учун жуда кўп миқдордаги кислородга муҳтож. Бу талабнинг пасайиши эса ҳар қандай касаллик — юрак, ўпка ва бутун организмнинг яхлит хасталанишига замин яратади.

### КУЧЛИ ИСТАК ВА ИРОДАНИНГ ЎЗИ КИФОЯ

*Психолог Мавлуда Шерова мулоҳазаси:*

Аксарият чекувчиларда бир баҳона доим тайёр. Улар ўз саломатликларидан айрилаётганликларини сезсалар-да, «мен чекишни ташлай олмайман», деб туриб олишади. Бу тўғри эмас. «Ўз ожизлигини енга олган киши кучлидир», деган экан Бен Франклин. Демак одатни яхшисига айлантириш учун сизнинг фикрингиз кучли ҳис-туйғу ва истак билан йўлдош бўлмоғи лозим. Агар сизда бу истак етарли бўлса, сиз ғолиб чиқишингиз муқаррар.

Дастлаб — «Буни эплайман!, деб тасаввур қилинг ва бир лаҳза «Буларнинг бари бажарилди», деб тахмин қилинг. Ўзингизга ўзингиз «Чекма!», деб буйруқ беринг ва қайта-қайта «Чекиш аста — секин ўлдиради, у даҳшатли душман!», деб такрорланг. «Тамаки ҳар қандай кўринишда — қотил ва мен бу заҳар билан алоқани бутунлай узаман», деб такрор-такрор айтинг. «Мен чекмайман, мен чекмайман, мен чекмайман!», дея қайтараверинг. Ана шунда ўз танангизга ўзингиз хўжайин бўлиб, тамакига қул бўлишдан қутуласиз. Заҳарларга худди душманга қарагандек муносабатда бўлинг. Бунинг учун тафаккурни мунтазам равишда машқ қилдириш лозим. Ана шунда ҳаётингиз сиз орзу қилгандек бўлади ва унга ўзингиз эга бўласиз.

### БИРНИКИ МИНГГА, МИНГНИКИ...

— Аҳоли орасида кўп учрайдиган сигарета чекиш ва ундан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик натижасида нафақат истеъмолчининг соғлиғига путур етади, шу билан бирга, яқин кишилар, уй-жойлар, қўни-қўшнилар ҳаётига ҳам зиён етиши мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, майор Анвар Худойқулов. — Масалан, ўтган 2010 йил давомида фуқароларимизнинг тамаки маҳсулотларини чекишда йўл қўйган эҳтиётсизликлари оқибатида жами 1609 та ёнғин содир этилган. Бу республикамиз ҳудудида содир бўлган жами ёнғинларнинг 11,2 фоизини ташкил этади. Ушбу нохуш ҳодисалар 42 нафар фуқароларнинг турли даражадаги куйиш ва тан жароҳати олишига (2 нафари ёш болалар), 49 нафар инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига «ҳисса» қўшган. Етказилган моддий зарар қиймати 102 миллион сўмдан ортиқ.

### ҲАЁТ ШИРИН ЁХУД ХОТИМА ЎРНИДА

Болангизни тутун тўлдирилган бочкага ёки шундай хонага қамаб қўйиб жимгина қараб ўтира оласизми? «Ие, нималар деяпсиз, қамаб қўйиш тугул, яқинлаштирмайман ҳам», деяпсизми керилиб?

Умр бўйи яратган боғ-роғларингиз-у, уй-жой, мол-мулкингиздан кексаликда мазза қилиб фойдаланиш вақти келганда бу бахтдан мосуво бўлишни-чи? Истайсизми? Рад жавобини бераяпсиз-а?

Унда тасдиғингизни амалда исботлашга, меҳрибон она ёки ота эканлигингизни кўрсатиб қўйишга ҳозирданоқ киришинг. Ахир, энг суюклигимиз, дунёларга-да алмашмайдиганимиз ширин болажонларимиздан-да (уларнинг кулгусидан-да!) ёқимли нарсанинг ўзи йўқ. Уларнинг иқболини, роҳатини кўриб яшаш ундан ҳам тотли.

## Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — устувор вазифа

**Бугун мамлакатимизда Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги ташкил этилганига 15 йил тўлди**

Брифинг

Фармуда МУРОДОВА,
«Adolat» мухбири.

Шу муносабат билан Пойтахтимизда "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — устувор вазифа"мавзуида матбуот брифинги ўтказилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг тизимидаги ҳудудий бошқармалар, вазирлик билан ҳамкорликда иш олиб борувчи давлат тузилмалари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда рўй берган фавқулодда вазиятлар ва уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш ва содир бўлган ҳалокат оқибатларини бартараф этиш мазкур вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларидан катта масъулиятни талаб этади.

Республикамиз ҳудуди кучли фавқулодда ҳолатлар рўй берадиган минтақага кирмаса-да, унинг иқлимида сел, тупроқ ва қор кўчкилари, сув тошқинлари каби ҳалокатлар кузатилиб туради. Матбуот брифингида сўз олган вазирликнинг Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Аҳмаджон Қодировнинг айтишича, ўтган йиллар давомида ФВВга қарашли "Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази", "Тез ҳаракат қилиш махсус отряди", "Қамчиқ қидирув-қутқарув отряди" ва "Авария қутқарув отрядлари" қутқарувчилари жами 44 минг 37 маротаба чиқишларни амалга оширган. Натижада 80 мингга яқин фуқаролар ҳаёти сақлаб қолинди.

Мунозараларга бой бўлган мазкур анжуманда ОАВ ходимлари қўшни мамлакатлардаги техноген ҳодисаларнинг таъсири, сув тошқини билан боғлиқ муаммолар хусусида баҳс юритдилар, ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олдилар.

# «Шўртангазкимё» мажмуаси жамоаси

муҳтарама онажонларимиз ва
дилбар опа-сингилларимизни
8 март — Халқаро хотин-қизлар
байрами билан самимий қутлайди.

8 март

Уларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
оилавий тинчлик
тилаган ҳолда,
бахт ва иқбол
сизларни ҳеч қачон
тарк этмасин деймиз!




# Давосиз дард йўқ

Тиббиёт

**Рустам БОЙМУРОДОВ,**
Денов туманидаги
"Аскоргул шифо"
кичик корхонаси раҳбари.

Мустақиллик йилларида тиббиётимиз жуда кўп ютуқларга эришди. Соҳага янги-янги технологиялар кириб келди, бир қанча кашфиётлар қилинди. Бироқ тиббиёт ривожланган сари унга ҳамоҳанг тарзда янги-янги касаллик турлари ҳам пайдо бўлмоқда.

Оддий бир мисол. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ер юзи аҳолисининг 90 фоизидан кўпроғида гижжа борлиги тасдиқланган ва 90 фоиз касалликлар ҳам айнан гижжа туфайли келиб чиқади. Инсон танасидаги бу текинхўрлар ҳатто она қорнидаёқ болага ўтиши ҳам айтилган.

Тиббиёт гижжаларнинг 200 дан ортиқ турларини аниқлади. Бу балодан қутулишнинг чораси эса кишидан ниҳоятда катта эҳтиёткорликни талаб қилади.

Гижжа соғлом танага аксарият ҳолларда қайнатилмаган сув, ювилмай истеъмол қилинган мевалар ёки ювилмаган қўл билан овқатланиш натижасида ўтади. Ҳозирда деярли ҳаммамиз ювинишда турли-туман шампун, атир совун ёки шунга ўхшаш воситалардан фойдаланамиз. Мана шу воситаларнинг айримлари таркибида натрий лаурилсульфат моддаси ниҳоятда кўп. Бу ҳол инсон терисининг юқумли касалликларга қарши ҳимояланиш хусусиятини камайтириб юборади. Ваҳоланки, инсон терисида кўпчилик паразит гижжаларга қарши ҳимоя кучига эга хусусиятлар бор.

Болаларда бу жараёнлар анча сезиларли тарзда кечади. Ухлаётганда тишларини ғижирлатиш, ҳаддан ортиқ озиб кетиш, ланжлик, баданида қандайдир тошмаларнинг пайдо бўлиши, тери оқариши, терида қора доғларнинг пайдо бўлиши, камқувватлик, оғзидан сўлак оқиш сингари аломатлар пайдо бўлади.

Албатта, бу борада тиббиётимиз заҳматкашлари, олимларимиз тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Тиббиётимиз муаммо қаршисида шунчаки қўл қовуштириб тургани йўқ. Хусусан, мен ҳам худди ана шу савол устида узоқ йиллар давомида бош қотирдим. Изланишлар ва тажрибалар туфайли айнан гижжага қарши «Аскоргул-5» деб номланган, ўсимлик хомашёсидан тайёрланган биологик фаол қўшимча (БФҚ) яратишга муваффақ бўлдим. Табиий ўсимлик хомашёсидан тайёрланган бу биологик фаол қўшимча инсон организми учун ҳеч қандай хавфли эмас. Биз уни амалиётда салкам 10 йилдан бери қўллаб, кутилган натижаларга эришмоқдамиз. Тажрибалар давомида БФҚнинг инсон организмида бирор бир салбий ҳолатлари кузатилмади. Аксинча, организмнинг ички ва ташқи аъзолари фаоллигини ошириши кузатилди. «Аскоргул-5» асосан, қонни тозалайди, иммун системасини кучайтиради. БФҚнинг қўлланмасига тўлиқ амал қилинса 3-10 кунда гижжалардан тўлиқ халос бўлинади.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;

**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — А. АБДУЛБОҚИЕВ.
**Навбатчи** — Н. АБДУХАЛИЛОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta @mail.ru

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақола белгиси.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г–300. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 8255. Босишга топшириш вақти — 20.30 Босишга топширилди — 22.00 1 2 3 5


ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

## "АСАКА" банки (ОАЖ)

мунис аёлларимиз, лобар қизларимизни яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайди ва қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
### "БАҲОРГИ-1"
Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилгандан (1 йилдан) сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
### "АКТИВ-1" — АҚШ долларида
Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилгандан (1 йилдан) сўнг берилади.

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

БАРЧА ЖАМҒАРМАНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 8 374 | 229-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 8 366 | 234-17-96 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 223-72-47 |
| Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |